

КОРПОРАТИВ ШАРТНОМАНИНГ МОҲИЯТИ

Абдухалилов Шаҳбоз Зафар ўғли
ТДЮУ мустақил изланувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада корпоратив шартнома институтининг ҳуқуқий моҳияти ва Ўзбекистон қонунчилигига киритилиш масалалари таҳлил қилинади. Корпоратив шартноманинг ҳуқуқий табиатини аниқлашда мавжуд назарий ёндашувлар кўриб чиқилиб, уни классик фуқаролик-ҳуқуқий шартнома ёки корпоратив характерга эга келишув сифатида талқин этишнинг икки асосий йўналиши таққосланади.

Англо-америка ҳуқуқ тизимидаги корпоратив келишувлар (drag along, tag along, deadlock resolution) билан миллий ҳуқуқдаги имкониятлар солиштирилиб, Ўзбекистон қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилади.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Корпоратив шартнома, акциядорлик келишуви, корпоратив бошқарув, устав капитали, Drag along ҳуқуқи, Tag along ҳуқуқи, неустойка

Замонавий фуқаролик муомаласида корпоратив муносабатларни самарали тартибга солиш масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Хўжалик жамиятлари иштирокчилари ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни келишишнинг кенг қўлланилаётган шакли сифатида корпоратив шартнома корпоратив бошқарувни шаффоф, очиқ ва манфаатдор томонлар учун барқарор қилиш воситаси сифатида намоён бўлади. Шу билан бирга, корпоратив шартноманинг ҳуқуқий табиати, унинг устав билан ўзаро муносабати, мажбурий нормалар билан чегараси, корпоратив ҳуқуқ ва мажбуриятлар мувозанати таъсири каби масалаларда аниқлик йўқлиги илмий жамоатчилик ва амалиётда тортишувларга сабаб бўлмоқда.

Миллий қонунчиликда корпоратив шартноманинг нисбатан яқинда қонунан мустаҳкамланганлиги, шу билан бирга унга оид ҳуқуқий механизмларнинг ҳали тўлиқ ривожланмагани, ушбу институтни чуқур ўрганишни, унинг моҳиятини илмий жиҳатдан таҳлил қилишни, хорижий ҳуқуқий тажриба билан қиёсий баҳолашни талаб этади. Мазкур ҳолат корпоратив шартноманинг моҳиятини таҳлил қилишни ҳуқуқ назарияси ва амалий корпоратив ҳуқуқ учун ҳам долзарб ва муҳим масалага айлантиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф–5464-сон фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясида акциядорлик жамиятлари

фаолиятининг ўзига хосликларини белгилаш, корпоратив ҳужжат кучига эга ва учинчи шахслар учун мажбурий бўлган «корпоратив шартнома»ни жорий қилиш, тенг акциялар пакети эгалари жамият фаолиятини издан чиқарганида корпоратив танглик вазиятидан чиқиб кетиш механизмларини белгилаш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 7 февралдаги “Корпоратив муносабатларнинг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1025-сон Қонуни билан корпоратив шартнома институти миллий қонунчиликка киритилди.

Шу муносабат билан 2025 йил амалга оширилган фуқаролик қонунчилигини ислоҳ қилиш Ўзбекистон ҳуқуқий воқеликларига фуқаролик муомаласи иштирокчилари ўртасида шаклланадиган ижтимоий муносабатларни самарали ва эркин тарзда тартибга солиш имконини берувчи кўплаб янги ҳуқуқий институтларни тақдим этди. Корпоратив шартнома – миллий қонунчиликда нисбатан яқинда пайдо бўлган ана шундай янгиликлардан биридир. Корпоратив шартномани тартибга солишга оид масалаларни ўз ичига олган қатор қонуний нормалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (кейинги ўринларда – ФК) ва махсус қонунларда акс эттирилган бўлиб, уларнинг катта қисми англосаксон ҳуқуқ тизимида хос давлатлардан олинган, чунки бу ҳуқуқий тартибда корпоратив шартномалар анча олдин вужудга келган, бу борада суд амалиёти шаклланган ва умуман бундай шартномалардан фойдаланиш ўз самарадорлигини исботлаган.

Бироқ шундай эркин ҳуқуқий институт миллий қонунчиликда, унда мажбурий ҳуқуқ нормалари сезиларли ўрин эгаллайдиган тизимда қандай жорий этилди ва у Ўзбекистон ҳуқуқий воқелигига мослашганми? Ушбу саволга жавоб топиш долзарб ҳисобланади, чунки корпоратив шартномалардан Ўзбекистондаги хўжалик жамиятлари иштирокчилари томонидан фойдаланиш ҳолатлари тобора кўпайиб бормоқда. Бу ҳолат ФКга корпоратив муносабатларни такомиллаштириш муносабати билан киритилган ўзгартишлардан кейин суд амалиётида кузатилган ўзгаришлар билан ҳам тасдиқланади, чунки аввал корпоратив шартномалар хўжалик фаолиятини тартибга солиш воситаси сифатида кўпинча салбий баҳоланган бўлса-да, эндиликда бундай ёндошувдан воз кечиш тенденцияси кузатилмоқда.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, миллий ҳуқуқида корпоратив шартнома расман икки хил келишув сифатида ажратиб кўрсатилади: акциядорлик жамиятлари учун акциядорлик келишуви (“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ни қонун 26-моддаси) ва масъулияти чекланган жамият иштирокчилари учун иштирокчиларнинг

хуқуқларини амалга ошириш шартномаси (“Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида”ги қонун 8-моддасининг 3-қисми).

ФКнинг 358-моддасига мувофиқ, хўжалик жамиятининг иштирокчилари ёки айрим иштирокчилари ўз аъзолик ҳуқуқларини амалга ошириш тўғрисида ўзаро корпоратив шартнома тузишга ҳақли. Ушбу шартномага мувофиқ мазкур хўжалик жамиятининг иштирокчилари ўз аъзолик ҳуқуқларини амалга ошириш ёки уларни амалга оширишдан ўзини тийиш (воз кечиш), шу жумладан жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида овоз бериш, жамиятни бошқариш бўйича ҳаракатларни келишиб амалга ошириш ўз устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини (акцияларини) маълум нархда ёки муайян ҳолатлар юзага келганда қўлга киритиш ёки бошқа шахсга бериш ёхуд қўлга киритишдан ёки бошқа шахсга беришдан ўзини тийиш мажбуриятини олади.

Бундай шартнома доирасида, жумладан, иштирокчилар умумий йиғилишда муайян тарзда овоз бериш, жамиятни бошқаришга оид бошқа ҳаракатларни келишилган ҳолда амалга ошириш, устав капиталидаги улушларни (ёки акцияларни) белгиланган нархда ёки муайян ҳолатлар юз берганда сотиб олиш ёки уларни сотиш, шунингдек, белгиланган ҳолатлар юз бергунига қадар улуш (акциялар)ни сотишдан воз кечиш шартларини ўз ичига олиши мумкин.

Ўзбекистонда корпоратив шартнома институтини амалга ошириш билан боғлиқ кўпгина муаммолар унинг ҳуқуқий табиати мазмунидаги аниқлик етишмаслиги билан изоҳланади. Миллий қонунчилик бу саволга аниқ жавоб бермайди, шу боис ушбу масала илмий жамоатчиликда фаол муҳокама қилинмоқда. Илмий қарашларда асосан учта асосий йўналиш шаклланган. Айрим олимлар корпоратив шартномани классик фуқаролик-ҳуқуқий шартнома сифатида қарашади (ушбу йўналиш тарафдорлари орасида Д.В. Ломакин, С.П. Степкин, М.Ф. Казанцев, А.И. Масляев, Т.В. Грибкова, В.В. Плеханов). Бошқалар эса корпоратив шартноманинг айнан корпоратив табиатига урғу қаратишади (Д.И. Степанов, В.А. Фогель, Х.-И. Шрамм, М.С. Варюшин, В.Г. Бородкин, В.К. Андреев)¹.

М.Н.Саидовнинг фикрича “корпоратив шартнома деганда жамият иштирокчиларининг ёки уларнинг айримларини корпоратив ҳуқуқларини амалга ошириш тўғрисида ўзаро тузилган келишуви деб таъриф бериш мумкин. Бундай шартноманинг предмети шартнома тарафларининг ҳуқуқларни амалга ошириш шартлари ва тартиби бўйича мажбуриятлари, шунингдек, муайян хатти-

¹ Степанов Д.И., Фогель В.А., Шрамм Х.-И. Корпоративный договор: подходы российского и немецкого права к отельным вопросам регулирования // Вестник Высшего Арбитражного Суда Российской Федерации. – 2012. – № 10.

ҳаракатлардан сақланиш бўйича пассив турдаги мажбуриятлар тушунилиши керак”².

Т.К.Қазақбаевнинг фикрича “корпоратив шартнома – бу корпоратив турдаги юридик шахс иштирокчилари ўртасида қонун ва таъсис ҳужжатларига зид бўлмаган мақсадларга эришиш учун корпоратив ваколатларни амалга ошириш йўллариини белгилаш орқали корпоратив ҳуқуқларни реализация қилиш тўғрисидаги келишувдир”³.

Корпоратив шартномага нисбатан келтириб ўтилган мазкур фикрларни таҳлил қилиш асосида шундай хулосага қилиш мумкинки, 2025 йилдаги қонунчилик янгиликларини, хусусан, ФКнинг 358-1-моддаси қоидаларини инобатга олган ҳолда, миллий ҳуқуққа бўйсунувчи корпоратив шартнома мураккаб, икки қиррали ҳуқуқий табиатга эгадир, яъни: “корпоратив-ҳуқуқий ва мажбурият-ҳуқуқий тус касб этади, бу эса корпоратив муносабатларнинг хусусиятлари, жумладан, уларда бошқарув элементи мавжудлиги билан белгиланади”⁴.

Фикримизча, қонунчилик қоидалари ва ҳуқуқий доктринани ҳар томонлама ўрганиш асосида корпоратив шартнома шартларининг мажбурий ҳуқуқ нормалари ҳамда уставда акс эттирилиши лозим бўлган қоидалар билан ўзаро муносабатлари муаммосидан ташқарида, ФК корпоратив шартномага мустақил ҳуқуқий мақом беради, яъни у устав билан узвий боғланмаган ҳисобланади⁵. Айтиш жоизки, худди шундай хулосани хўжалик шериклигини бошқариш бўйича келишувларнинг ҳуқуқий тартибга солинишини таҳлил қилишдан ҳам чиқариш мумкин.

Замонавий қонунчилик тартибга солиниши шундан далолат берадики, хўжалик жамиятида устав бир турдаги “юридик шахс паспорти” вазифасини бажаради ва у аввало учинчи шахслар билан муносабатларда муҳим аҳамиятга эга⁶. Корпоратив шартнома эса, аксинча, аввалдан корпорация ичидаги муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган: жамиятнинг барча ёки айрим иштирокчилари ўртасида.

Фикримизча, бу ўринда устав ва корпоратив шартнома қоидалари ўртасида юзага келиши мумкин бўлган коллизияларни ҳал этишнинг икки эҳтимолий

² Saidov M.N. Mas'uliyati cheklangan jamiyat ishtirokchilari huquqlarini amalga oshirish va himoya qilish masalalari: yurid. fan. fals. dok (PhD). dis. ... – Toshkent: 2023. – 85 b.

³ Qazaqbaev T.K. Korporativ shartnomani fuqarolik-huquqiy tartibga solish: yurid. fan. fals. dok (PhD). dis. ... avtoref. – Toshkent: 2025. – 16 b.

⁴ Шиткина И.С. Соглашения акционеров (договоры об осуществлении прав участников) как источник регламентации корпоративных отношений // Хозяйство и право. – 2011. – № 2. – С. 35-46.

⁵ Степанов Д.И. Новые положения Гражданского кодекса о юридических лицах // Закон. – 2014. – № 7. – С. 31-55.

⁶ Мельникова Т.В. К вопросу о необходимости участия корпорации в корпоративном договоре // Гражданское право. – 2017. – № 1. – С. 22-25.

вариантни кўриш мумкин: биринчидан, қонун чиқарувчи хўжалик жамияти уставининг аҳамиятини кучайтиради ва корпоратив шартнома учун бир қатор чекловларни белгилайди; иккинчидан, аксинча, корпоратив шартноманинг ҳуқуқий кучини ошириб, уставни фақат “учинчи шахслар учун ахборот ҳужжати” сифатида қолдиради.

Акс ҳолда, агар устав ва корпоратив шартноманинг ҳуқуқий кучи ўртасида ана шундай аниқ чегара белгиланмаса, амалдаги ҳуқуқий тартибга солиниш асосида қайси ҳужжат устувор эканлигига оид аниқ жавобни бериш имкони бўлмагани боис, улар қоидалари ўртасида рақобат сақланиб қолади.

Д.И. Степанов миллий ҳуқуққа бўйсунувчи корпоратив келишувларнинг энг кўп учрайдиган қоидаларини қуйидагича ажратади: таъсисчилар ёки кейинги иштирокчилар томонидан жамият фойдасига мулкни топшириш тартиби ва муддатларини белгилаш; жамият доирасида аниқ бизнес-лойиҳани амалга ошириш тартиби ва муддатларини белгилаш; фаолиятни бошқариш – иштирокчилар томонидан бевосита, масалан, иштирокчилар йиғилишида овоз бериш вариантларини келишиш йўли билан, ёки билвосита, яъни жамиятнинг бошқарув органларига сайланадиган шахсларни белгилашни мувофиқлаштириш орқали; жамият устав капиталидаги улушлар билан тасарруф этиш, шу жумладан улушни сотиб олиш ёки сотиш бўйича опцион бериш; фойдани тақсимлаш тартибини белгилаш; танглик ҳолатни ҳал этиш тартибини белгилаш; бизнесдан чиқиш тартибини белгилаш⁷.

Эндиликда англо-американ ҳуқуқ тизими мамлакатларида корпоратив амалиётда кенг тарқалган корпоратив келишувлар шартларини миллий ҳуқуққа мувофиқ корпоратив шартномаларга киритиш имкониятини таҳлил қиламиз.

Аввало, имтиёзли ҳуқуқлар институтидан бошлаймиз, у ФКни ислоҳ қилиш жараёнида сезиларли ўзгаришларга учрамади. Англия ва АҚШда имтиёзли ҳуқуқларининг турлари сифатида “drag along” (кўпчилик акциядорнинг бошқа иштирокчилардан акцияларни бир хил шартларда сотиш битимига қўшилишни талаб қилиш ҳуқуқи) ва “tag along rights” (миноритар акциядорнинг кўпчилик акциядор ўз акцияларини учинчи шахсга сотишда шу учинчи шахсга ўз акцияларини ҳам худди шу шартларда сотиш орқали битимга қўшилиш ҳуқуқи) мавжуд.

Миллий ҳуқуққа мувофиқ корпоратив шартномаларда “drag along” ва “tag along” шартларидан фойдаланиш имконияти шундан иборатки, акцияларни (улушни) сотувчи шахсга миноритарлар билан харидор ўртасида битим тузишга қўмаклашиш ёки акцияларни (улушни) сотиш пайтида миноритарларнинг акцияларини (улушларини) ҳам сотиб олиш мажбурияти юклатилиши мумкин.

⁷ Степанов Д.И. Кого из двух участников ООО, обладающих равными долями, исключать из такого общества при наличии дедлока? // Вестник экономического правосудия Российской Федерации. – 2014. – № 12. – С. 65-96.

Сўнгги ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, корпоратив шартномада белгиланган, олдиндан белгиланган нархда акцияларни (улушларни) харид қилиш бўйича афзаллик ҳуқуқини назарда тутувчи шартлар ҳақиқатан ҳам амалий жиҳатдан ҳақиқий деб эътироф этила бошлади .

Чет эл юрисдикциялари қоидаларига мувофиқ тузиладиган акциядорлик келишувларининг яна бир кенг тарқалган шартларидан бири опцион шартларидир. Анъанавий равишда хорижий корпоратив келишувларда акцияларни сотиш бўйича опцион (“put option”) ва акцияларни сотиб олиш бўйича опцион (“call option”) қоидалари белгиланади. Доктринага кўра корпоратив шартноманинг бир тури сифатида намоён бўлиши мумкин ва корпоратив шартномада опцион қоидаси назарда тутилиши суд амалиётида ҳақиқий деб топилган⁸.

Аввал таъкидланганидек, корпоратив шартнома компанияда юзага келиши мумкин бўлган танглик ҳолатларни самарали ҳал этиш усуллариини белгилаш имконини яратади. Танглик ҳолатлар деб компаниянинг кейинги фаолиятини тўсиб қўядиган вазиятлар назарда тутилади. Хорижий юрисдикцияларда бундай вазиятларни ҳал этиш бўйича (“deadlock resolution”) турли хил воситалар ишлаб чиқилган. Барча мамлакатларда бундай механизмларни қўллаш шарти сифатида тарафларнинг ҳалоллиги ва инсофлиги талаб этилади. Судья Истребук (Judge Easterbrook) қабул қилган қарорлардан бирида қайд этилганидек, айтиб ўтилган қиймат сотиб олиш баҳоси ҳам, сотиш баҳоси ҳам бўлиши мумкинлиги, жараёни бошловчи томонни инсофли ҳаракат қилишга мажбур этади⁹.

Хорижий ҳуқуққа бўйсунувчи корпоратив келишувларга киритилиши лозим бўлган шартларнинг ва миллий корпоратив шартномалар институти доирасида киритилиши мумкин бўлган шартларнинг қиёсий таҳлили асосида шуни тан олиш керакки, афсуски, миллий ҳуқуқ акциядорларнинг корпоратив муносабатларини миллий корпоратив шартномалар орқали тартибга солиш имкониятларини сезиларли даражада чеклайди, чунки кўплаб “хорижий” шартлар умуман миллий қонунчиликда назарда тутилмаган, суд амалиёти эса қонунларда аниқ белгиланмаган шартларга нисбатан салбий ёндашувни намоён қилмоқда.

Фикримизча, хорижий ҳуқуқ тизимларида эътироф этилган корпоратив келишувларнинг кўпгина шартлари миллий фуқаролик ва корпоратив ҳуқуқда маҳаллий ҳуқуқий институтларни кенг қамровли ислоҳ қилмасдан туриб самарали ишламайди. Шу боис, корпоратив шартномалар мазмунини белгилаш

⁸ Кузнецова Е.В. Имплементация института корпоративного договора в российский правовой порядок: проблемы и перспективы // <https://cyberleninka.ru/article/n/implementatsiya-instituta-korporativnogo-dogovora-v-rossiyskiy-pravoporyadok-problemy-i-perspektivy>

⁹ Никишова М. Deadlock: как выйти из корпоративного тупика. Российская и зарубежная практика [Электронный ресурс]. – URL: <https://corpsark.ru/p/deadlock-kak-vyjti-iz-korporativnogo-tupika/#hcq=LRY26Sq>

соҳасида миллий қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги ўзгаришларни киритиш таклиф қилиш мумкин:

Биринчидан, англо-америка ҳуқуқидаги ўхшаш ҳуқуқий институтларни таҳлил қилиб, акцияларни (улушларни) “drag along” ва “tag along” моделлари асосида сотиб олиш (сотиш) бўйича имтиёзли ҳуқуқни қонун йўли билан мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, қонун чиқарувчи хорижий юрисдикцияларда кенг қўлланиладиган танглик ҳолатларни ҳал этиш механизмларини миллий ҳуқуқга жорий этиш заруриятига эътибор қаратиши лозим, масалан, “техасча отишма” (“texas shoot-out”), “голланча аукцион”, “рус рулеткаси” ва бошқалар.

Учинчидан, корпоратив шартнома шартлари бузилган тақдирда неустойкани қўллаш механизмини такомиллаштириш мақсадида ва ФКнинг 326-моддаси бўйича судлар томонидан унинг миқдорини асоссиз равишда камайтириш муаммосини ҳал қилиш учун қонунга аниқ белгиланган мезонлар рўйхатини киритиш зарур деб ҳисоблаймиз. Суд ушбу мезонларга кўра неустойка миқдори корпоратив шартномани бузиш оқибатларига очиқ-ойдин номувофиқ эканлигини аниқлаши ва фақат шундан сўнг уни камайтириш ҳуқуқига эга бўлиши лозим.

Тўртинчидан, акциядорлик келишуви шартлари бузилган тақдирда компенсация миқдорини камайтириш учун ФКнинг 326-моддасида назарда тутилган механизмни қўллашни судлар учун тақиқловчи қонун нормасини жорий этиш зарурлиги асосланган, чунки ҳуқуқий табиати турлича бўлган санкцияларга бир хил механизмни татбиқ этиш суд амалиётида ноаниқликка олиб келмоқда.

Бешинчидан, корпоратив шартнома тарафларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муносиб йўли сифатида мажбуриятни айнан натурада бажаришни таъминлаш имкониятини қонунан аниқ белгилаш ва шунингдек, ушбу мажбурлашнинг ўзига хос механизмларини ҳам қонун доирасида кўрсатиб ўтиш таклиф қилинади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Қонун ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикасининг "Корпоратив муносабатларнинг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-1025-сон Қонуни. – 2025 йил 7 февраль.
2. "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун. – Тошкент.
3. "Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида"ги қонун. – Тошкент.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф–5464-сон фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси.

Илмий адабиётлар

6. Андреев В.К. Корпоратив муносабатлар назарияси. – М., 2018.
7. Бородин В.Г. Корпоратив шартномаларнинг ҳуқуқий табиати. – СПб., 2020.
8. Варюшин М.С. Корпоратив келишувлар амалиёти. – М., 2019.
9. Грибова Т.В. Фуқаролик ҳуқуқида корпоратив шартномалар. – М., 2021.
10. Қазақбаев Т.К. Корпоратив ҳуқуқ асослари. – Тошкент, 2023.
11. Казанцев М.Ф. Корпоратив келишувларнинг цивилистик табиати. – М., 2018.
12. Ломакин Д.В. Корпоратив шартномалар: назария ва амалиёт. – М., 2020.
13. Масляев А.И. Хўжалик жамиятлари ҳуқуқи. – М., 2019.
14. Плеханов В.В. Корпоратив муносабатларни тартибга солиш. – СПб., 2021.
15. Саидов М.Н. Корпоратив ҳуқуқ муаммолари. – Тошкент, 2024.
16. Степанов Д.И. Корпоратив келишувлар ва уларнинг самарадорлиги. – М., 2022.
17. Степкин С.П. Корпоратив шартномаларнинг фуқаролик-ҳуқуқий табиати. – М., 2020.
18. Фогель В.А. Корпоратив ҳуқуқ институтлари. – М., 2019.
19. Шрамм Х-И. Германия корпоратив ҳуқуқида келишувлар. – Берлин, 2018.

Хорижий адабиётлар

20. Easterbrook F. Deadlock Resolution in Corporate Law. // Corporate Law Review. – 2019. – №3.
21. Corporate Agreements in Anglo-American Legal Systems. – London: Oxford University Press, 2020.